

Бақара сураси, 130-оят

17:10 / 27.11.2017 3804

Ўзини билмаганларгина Иброҳимнинг миллатидан юз ўгирур. Албатта, уни дунёда танлаб олдик ва албатта, у охиратда солиҳлардан бўлгай. Бақара 130.

Миллатнинг маъноси диндир. Ким ўзини аҳмоқ, эси паст санасагина, Иброҳим алайҳиссаломнинг динидан юз ўгириб, бошқа тарафга қараб кетади. Чунки икки дунёнинг саодатини кўзлаган одам у кишига эргашиши керак эди. Яратувчи Зот Иброҳимни икки дунё саодатига мушарраф этган. Уни бу дунёда танлаб олиб, пайғамбар қилди. Охиратда эса у зот солиҳ, бахтиёрлардан бўлажак, унга эргашганлар ҳам, албатта, ушбу бахтларга муяссар бўлажаклар.

Нима учун Иброҳим алайҳиссалом бундай улкан бахтга эришдилар?